



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПАРЛАМЕНТИ СЕНАТИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 сентябрь кuni Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Касим-Жомарт Тоқаев бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни кутлар экан, Қозоғистон парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ва Олий Мажлис палаталарида ўтказилган самарали музокара-лар натижалари ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланиб бора-ётганидан далолат беришини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил март ойида Қозоғистонга ва Қозоғистон Президентининг шу ойда Ўзбекистонга давлат ташрифлари, шунингдек, давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган ва ишончга асосланган мулоқоти кенг қўллади Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва уларни аниқ маъно билан бойитишга хизмат қилгани қайд этилди.

Турли даражадаги алоқалар фаоллашгани, ўзаро савдо ҳажми ва тури изчил ортиб, диверсификация қилинаётгани, энергетика ва машинасозлик тармоқларида муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошлангани, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамкорлик кенгайгани шундан далолат беради.

Чегараолди ҳудудлари ўртасида ўзаро ташрифлар уюштирилмоқда, шериклик муносабатлари мустаҳкамланмоқда, мамлакатларимизда ишбилармонлик ва маданий-гуманитар тадбирлар биргаликда ўтказилмоқда.

Учрашувда парламентлараро ҳамкорлик, жумладан, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган икки томонлама қелишувлар ва қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли шерикликка доир истиқболли лойиҳа ва дастурларни илгари суришда мамлакатларимиз парламенти муҳим ўрин тутуши қайд этилди.

Дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон парламенти раҳбарларининг тегишли қўмиталари ўртасида яқин амалий алоқалар ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди.

Юқори мартабали меҳмон Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий ва мазмунли учрашув учун миннатдорлик билдириб, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Касим-Жомарт Тоқаев Қозоғистон Республикаси парламенти ўзаро дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлида Ўзбекистон билан фаол ва кенг қўллади ҳамкорликка тайёр эканини яна бир бор таъкидлади.

ЎЗА

Касим-Жомарт ТОҚАЕВ:

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ МАВҚЕГА ЭГА

Дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари барча соҳада изчил ривожланиб бормоқда. Қозоғистон парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра ҳамкорлик, жумладан, парламентлараро мулоқотнинг изчил ривожланишига хизмат қилди.

Делегация раҳбари, Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Касим-Жомарт Тоқаев ЎЗА муҳбирига берган интервьюсида қуйидагиларни сўзлаб берди: — Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев билан учрашувимиз гўя самарали бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлидан дадил оқимламоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатингиз катта муваффақиятларга эришишига ишонамиз.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги Абадий дўстлик тўғрисида шартнома, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва бошқа қатор ҳужжатлар асосида янги босқичга чиқди. Президентларимиз учрашувларида эришилган қелишувлар асосида жорий йилнинг январь-август ойларида савдо айланмаси 35 фоиз ўсди. 2020 йилга бориб икки томонлама ҳамкорлик бўйича товар айирбошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилган.

Мамлакатларимиз ўртасида автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти ҳаракатининг фаоллашгани бунда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Президентини бу борадаги имкониятларни кенгайтириш юзасидан илгари сураётган ташаббуслар халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди, давлатларимизнинг стратегик шериклигини ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилаётган истиқболли йўналишлар юзасидан фикр алмашиди. Ишонамизки, бу келгусида ўз самараларини беради.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги гўя таъсирчан ва мазмундор нутқида ўта долзарб масалалар, хусусан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш юзасидан ташаббусларни ўртага ташлади, бу борада минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Ушбу тақлифларни рўйбга чиқаришда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Президентининг мазкур ташаббуслари минтақа барқарорлиги ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилди.

ЎЗА муҳбири
М.ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Акрамова Дилоромхон — Наманган шаҳридаги «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Ахунوف Уктамжон — «Нуроний» жамоғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси

Кенжабоев Мирза Тўйчиевич (Мирзо Кенжабек) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон

Литвинова Ольга Ивановна — Яшнобод туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

Пак Ларина Михайловна — Зомин туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Уватов Убайдулла — Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Тангрибергенов Хамид Эркинович — Республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича мураббийи

Юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш, ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, чуқур билим ва замонавий касб-хунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш, ишларига қўшган муносиб хиссаси, мустақил фикрлайдиган, замон билан ҳамнафас, иқтидорли, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни

ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Базарова Дилором Маматкуловна — Жомбой туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Нурллаева Гулчехра Атабаевна — Хива туризм касб-хунара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Эшанкулова Зоя Эрмановна — Охангдон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Мухтор Саъдуллаевич — Янгиерик туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Абдуллаева Малика Эркиновна — Учтепа туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Арзуова Несибели Жандуллаевна — Нукус политехника касб-хунара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Зиядуллаева Малохат Эгамбердиевна — Бахмал туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Соатовна Бувалма Умирзаковна — Мирзаобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-

тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

Султанова Насиба Мухаммаджановна — Поп туманидаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Тўраев Баходиржон Курбанович — Ўзбекистон агросаноат касб-хунара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Турдиева Зулфия Султановна — Олмалиқ шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Халилова Мамлакат Камоловна — Бухоро туризм коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хасанова Мухтарам Урушовна — Бойвут туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сирдарё вилояти

Холжигитов Турғун Абдуназарович — Булунғур қишлоқ ҳўжалиги касб-хунара коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Цой Галина Тимофеевна — Бўз туманидаги 26-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

Чоршамиев Хасан Оманович — Олтинсой туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Эшимов Бахтиёр Рахматуллаевич — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Юсупова Хилола Жураевна — Касби туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

➤ Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШ УЧУН НОМЗОДЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-3151-сон қарорига мувофиқ ҳамда олий таълим муассасаларига кириш учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг тегишли мутахассисларга бўйича олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришлари учун зарур ва етарли бўлган, чуқурлаштирилган назарий ва касбий тайёргарлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунара таълими

маркази томонидан мавжуд академик лицейларнинг фаолияти комплекс таҳлил қилинганлиги, моддий-техника базаси хатловдан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунара таълими марказининг:

ўтказилган комплекс таҳлил ва хатлов якунлари бўйича аниқланган ўқув-методик ва моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган 1-иловада кўрсатилган академик лицейларнинг 2018/2019 ўқув йилидан

бошлаб ўқувчиларни (ҳар ойда энг қилишни тўхтатиши ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фаолиятини тугатиши тўғрисида);

юқори илмий ва педагогик салоҳиятга, етарли моддий-техника базага эга бўлган академик лицейларни 2-иловага мувофиқ олий таълим муассасалари тасарруфига бериш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб академик лицейларда ўқиш муддати икки йил этиб белгилаш ва уларга ўқув-методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади; академик лицейлардан узоқ жойлашган ҳудудлардан қабул қилинган ўқувчилар белгиланган тартибда ётоқхона ҳамда ота-оналар

тўлови ҳисобига (ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридан) харажатларни тугатиши тўғрисида);

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар қабули тўхтатилаётган академик лицейларнинг 2-ва 3-босқич ўқувчилари мазкур академик лицейларда таълимни амалдаги ўқув дастурлари бўйича белгиланган тартибда якунлайдилар ва уларга давлат намунасидаги академик лицей битирувчиси дипломи берилди;

академик лицейлар раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказларида амалга оширилади; фаолияти тугатилган акаде-

мик лицейларнинг бино ва иншоотлари, ер майдонлари, биринчи навбатда, амалда бириктирилган олий таълим муассасасига, олий таълим муассасасида эҳтиёж мавжуд бўлмаган ҳолларда тегишли туман (шаҳар)лар ҳокимликларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилди;

академик лицейлар самарали фаолият кўрсатиши, улардаги ўқитиш сифатини таъминлаш ҳамда улар моддий-техника базаси ва юқори малакали ўқитувчилар таркиби билан таъминланганлиги, таълим-тарбия жараёни устидан назорат қилиниши, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши кўрсаткичларини тўлиқ таъминлаш учун шахсий масъулият тегишли олий таълим муассасалари ректорларига юкланди.

➤ Давоми 2-бетда.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

КАСБИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Ёш авлодни билимли, юксак маънавиятли, комил инсон этиб тарбиялашда ўқитувчи ва мураббийларнинг хизмати беқисб

— Болаларни севганим учун ўқитувчилик касбини танлаганман, — дейди Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Марям Собирова. — Ўттиз саккиз йиллик фаолиятим давомида кўп ўқувчиларим шахар ва республика фан олимпиадаларида совринли ўринлар олиб, олий ўқув юртларига ўқиб, масъул вазифаларда ишлашмоқда. Улардан доим миннатдорлик сўзларини эшитаман, ота-оналари ҳам раҳмат айтишади. Бундан жуда қувонаман.

Ўқитувчи доим изланиши, ўз устида ишлаши керак. Шунинг учун ҳам тўхтовсиз ҳаракатдамыз. Мактабимиз биносида Халқ таълими вазирлиги

хузуридаги мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази бор. Фаолиятимни ушбу марказ билан ҳам боғлаганман ва ҳамкорликда 7-синфлар учун 5 та лаборатория ишини ёзганимиз. Дислари юртимиз бўйлаб тарқалган, интернетга жойлаштирилган. Бу ёш ўқитувчилар учун методик ёрдам бўлади.

Нафақага чиққанымга 9 йил бўляпти, аммо халигача дарс бериб келяпман. Икки нафар фарзандим бор. Улардан бири ўқитувчи, институтда талабаларга дарс бермоқда. Ўқитувчиликни ҳаётимнинг мазмун деб биламан. Шундай касбни танлаганмандан фохрланаман.

Шаҳбоз САИДОВ



Суратда: Марям Собирова шогирдлари даврасида.

Фотуҳ: АЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА
ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДАII ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Калимбетов Бахадир Уразханович — Қорақалпоғистон Республикасидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи

Мўминова Наргизахон Абдуназаровна — Қўрғонтепа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Холмунинова Мохира Тошмуратовна — Қарши шаҳридаги «Муровват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бекниязов Рустембай Исакович — Кегейли туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бозорова Шоира Рамазоновна — Ромитан туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Боймуродов Абдусодиқ Уралович — Зомин туманидаги 75-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Давлатжанова Ойгул Кадамовна — Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Закирова Барчиной Ташпулатовна — Асака педагогика ва дизайн касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Каримова Лайло Саидовна — Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Навоий вилояти

Кириллова Елена Николаевна — Ургут туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мелибоева Гулнорахон Исмоиловна — Данғара туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сайбова Наргул Мамараймовна — Шўрчи туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

Солиева Умида Толибжановна — Наманган туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Тен Елена Хакесовна — Юкори Чирчиқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Халикулов Пардабой — Ховос туманидаги Гулбахор қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Шибакина Любовь Александровна — Чилонзор туманидаги 280-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Юлдашева Гулдонм Кудратовна — Яккабоғ туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдиев Рустам Аблакулович — Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Абдиева Музафара — Пастдарғом туманидаги 28-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Самарқанд вилояти

Абдуллаев Бехзод Нигматуллаевич — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейининг ўзбек халқ чолғулари бўлими махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Абидов Мирюсуп Мирхайдарович — Яшнобод темир йўл касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Алиева Дилбар Эркиновна — Янгибозор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Асқаров Котибхон Асрорович — Тўрақўрғон қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Астанакулова Лола Нартажиевна — Термиз туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ахадова Дилором Тошпўлатовна — Шофиркон туманидаги 55-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ахмадалиева Мукарамхон Шукрулиевна — Бағдод туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ахмедова Замира Шириновна — Бухоро шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори, Бухоро вилояти

Баирбекова Ханифа Гаибназаровна — Гулистон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Бегимов Миррахмад Раҳманович — Ғаллаорол туманидаги 87-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Самарқанд вилояти

Бозоров Юсуф Бехбудович — Жондор туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Самарқанд вилояти

Бозорова Замира Қосимовна — Қарши шаҳридаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Валиева Табасумхон Собировна — Избоскан туманидаги 42-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Андижон вилояти

Есимбетова Гулмира Абатбаевна — Хўжайли транспорт касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаманкулова Феруза Эсиргаповна — Иштихон туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Жугинисова Ҳапида Исаевна — Қораўзақ туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Игамов Бахтиёр Джараевич — Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Имомова Зилола Ортиқовна — Бувайда туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ишонкулова Фароғат Элмуродовна — Китоб туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каримова Шахло Ахатовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 105-махсус мактаб-интернати она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мардиева Валерия Шамилевна — Ўрта Чирчиқ туманидаги 12-болалар мусика ва санъат мактаби директори, Тошкент вилояти

Матжанов Халбай Айтимбетович — Тўрткўл туманидаги 3-болалар мусика ва санъат мактабининг қашқар рубоби синфи ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Матмуратова Тазахан Бегдуллаевна — Мўйнок туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Матназарова Интизор Садуллаевна — Боғот туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Муллабоева Тожибар Нурматовна — Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мўминов Машад Аламанович — Косон туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мусурмонов Сунатулла Маматкулович — Шароф Рашидов туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Мухторова Раъно Мўминжоновна — Пискент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Назарова Иродахон Зайниддиновна — Олтиариқ туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Нишонов Шухратжон Холдаралиевич — Мингбулоқ туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Нуриддинова Мархабо Собировна — Уйчи туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Отаева Махфурат Музафаровна — Ғиждувон туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Пулатова Зулфия Расуловна — Кармана туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Рахимова Гавхар Исмоиловна — Наманган шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ризаева Шохиста Абдушукровна — Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Рўзиева Гавхар Валижоновна — Сайхунбод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Сапарниязов Абай Сабуирович — Нукус шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сарваров Хусниддин Анварович — Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

Сатторов Олимжон Назарович — Қумқўрғон нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Таджибаев Абдувоҳид Мамасидиқович — Фарғона шаҳридаги Қирғули электротехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Умаров Фулом — Зангиота туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи, Тошкент вилояти

Утаганов Хусан Арзимурадович — Пайариқ маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Файзуллаева Бахринисо Неъматиллаевна — Денов туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ҳамраева Феруза Собитовна — Шайхонтохур туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ходжаев Махмуд Абдукаликovich — Тошкент вилоятидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Тошкент вилояти

Хусанов Нуриддин Раҳматилевич — Балиқчи туманидаги 38-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ҳайитов Усмон Номозович — Деҳқонбод туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шақасимова Сурайё Гапирджановна — Олмазор туманидаги 185-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Шукурова Раъно Баходировна — Каттақўрғон шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Якушева Олеся Владимировна — Бекобод шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ян Игорь Моисеевич — Фарғона шаҳридаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 27 сентябрьЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШ
УЧУН НОМЗОДЛАРНИ МАҚСАДЛИ
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари — Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори **М.Холмухамедов**:

бир ой муддатда фаолияти тугатиладиган 1-иловадаги академик лицейларнинг бино ва иншоотлари, ер майдонлари ва бошқа барча моддий-техник бойликларини (кейинги ўринларда моддий бойликлар деб аталади) тўлиқ инвентаризациядан ўтказсин ҳамда уларни рўйхат асосида ҳар бир таълим муассасаси кесимида моддий жавобгар шахсларга ўрнатилган тартибда бириктирсин;

моддий жавобгар шахсларнинг ўзларига бириктирилган моддий бойликларни ўрнатилган тартибда топириш-қабул қилиш далолатномалари асосида расмийлантирилганига қадар бут ва соз сақлалишини таъминлаш чораларини кўрсин ва улар фаолияти бўйича шахсан масъул этиб белгилансин.

5. Олий таълим муассасалари раҳбариятига олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитиш ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **И.Махмудов** икки ой муддатда:

«Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда академик лицейларга умумтаълим мактабларининг

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий
таълим муассасаларига кириш учун номзодларни
мақсадли тайёрлаш тизимини янада
такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ўғил-қизларимизнинг жисмоний ва маънавий етук инсонлар бўлишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини юзага чиқариш, она-юртага садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялаш борасида беқеъ саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Аввало, узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, педагогик-психологик, илмий-усулбий, молиявий асослари яратилди.

Академик лицейларда ўқувчилар танлаган таълим йўналишлари бўйича чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олоқда ва ҳар йили ўртача **35 минг** йигит-қиз битириш чиқмоқда. Улардаги ўқитиш тизимини олий таълим муассасаларига кириш учун салоҳиятли номзодлар контингенти шакллантиришга йўналтирилган.

Бугунги кунда академик лицейлар фаолияти, жойлашув, битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш тахлили бу соҳадаги ишларнинг қиқарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан академик лицейлар сонини оптималлаштириш, улардаги таълим сифати ва мазмунини тубдан ошириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати туғилди.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан ўқув-методик ва моддий-техник базаси талабга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва

энг билимли, қобилиятли ва иқтидорли ўқувчиларини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Низомда республиканинг малакали кадрлар етишмовчилиги кузатилаётган ҳудудларидан ўқувчиларни олий таълим муассасаларига киришга мақсадли тайёрлаш учун имтиёзли қабул қилиш, шунингдек, академик лицей битирувчиларининг олий таълим муассасасига кира олмаслиги даражасига мувофиқ (фоиз кўрсаткичларига мос равишда) академик лицейни тасарруфига олган олий таълим муассасаси ректори, академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проктори, академик лицей директори ва масъул ходимларига ўрнатилган тартибда жарима қўлланилиши ҳамда уларнинг ойлик маошларидан чегири қилиниши назарда тутилсин;

академик лицейларнинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

тасарруфиди олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда академик лицей ўқитишчиларининг етакчи олий таълим муассасаларида малака оширишлари самарали тизимини, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ

таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолияти тугатиладиган академик лицейларнинг ишдан бўшайдиган ўқитишчиларини ва ходимларини белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда «Маориф» соҳасига йўналтирилган маблағлар доирасида ушбу қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-2738-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 26 сентябрь

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ:

қонун лойиҳасида қандай камчилик бор?

Шу кунларда парламент кўйи палатасида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари ҳам мазкур қонун лойиҳасини партия ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб атирофчи муҳокама қилишди. Шунингдек, йиғилишда қатор вазирлик ва ташкилотларнинг раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари ходимлари ҳам иштирок этди.

Маълумки, 2014 йил 16 апрелда Конституциямизнинг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган эди. Хусусан, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирок этиш ҳуқуқини ифодаловчи: 32-модда қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилди: «Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларини фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади».

Қонунчиликдаги мазкур янгилик жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш имконини бермоқда.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

— Қонун лойиҳаси 21 моддадан иборат бўлмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилмурод Саъдуллаев.



Савол ШОТЎЛҲАНОВ олган сурат.

— Лойиҳа билан жамоатчилик назорати субъектлари, объекти, асосий принциплари ва шакллари белгиланмоқда. Хусусан, унинг субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ношароат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини белгиллаш таъкид этиляпти.

Қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратини бир неча шаклларида амалга ошириш назарда тутилмоқда. Унга кўра, назоратнинг ушбу тури давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш, уларнинг очик ҳайбат мажлисларида иштирок этиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг, бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳисоботларини эшитиш шаклида олиб борилади.

Бундан ташқари, у жамоатчилик муҳокамаси, эшитиш, мониторинги, экспертизаси ва фикрини ўрганиш тартибиде ҳам амалга оширилади.

ЎзХДП фракцияси аъзоларининг фикрича, қонун лойиҳасида жамоатчилик назорати шакллари тушунчаси ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари тўлалигича очиб берилмаган. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида мазкур жиҳатда алоҳида эътибор қаратиш керак. Чунки қонунда ҳамма масала очик-ойдин ифодаланмаса,

эртага турли англашилмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Фракция йиғилишида алиментлар тўловини таъминлашга доир амалдаги қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикасининг Виртуал қабулхонасига алиментлар ўз вақтида тўланмаслиги билан боғлиқ кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Шунингдек, соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир тақлифлар сони ҳам ошиб бормоқда.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа қарорлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун чет элга чиқишга доир чекловни олиб ташлаш учун алиментларни олдиндан тўлаш ёки алиментларни тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш имконини берувчи норма билан тўлдирилмоқда. Яъни, алимент тўлаш шарт бўлган шахслар ҳорихга чиқиш шартини учун яратилмоқда.

Фракция аъзолари, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқилди. Унга асосан судлар ва ФХДЕ органлари ўзларининг иш юритишда ниқоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар мавжудлиги тўғрисида

Каримбеков Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишининг маънавият соатида Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи, унда билдирилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган тақлифларнинг нақадар долзарб эканини таъкидлади.

— Бу нутқ тарихий ва оламшумул воқеа бўлди, — деди у. — Ҳеч бир давлат раҳбари БМТ минбаридан туриб ислом дини қадриятларини бу қадар жасорат билан ҳимоя қилмагани таъкидланмоқда. Давлатимиз раҳбари бутунжаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблашни таъкидлади. Буюк алломаларимиз, хусусан, Имом Бухорийнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимийликни кенг ёйиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилаётганини маълум қилди.

Президентимиз Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустақамлашнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлади. Бунинг исботини сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланишида аққол кўриш мумкин.

Президентимиз шунингдек, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таъкид қилди, терроризм муаммосига алоҳида эътибор қаратиб, унинг туб сабабларига барҳам беришга чакирди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун дунёда терроризм таҳдидлари тобора кучайиб бормоқда. Уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш эса ўзини оқламапти. Шунинг учун ёшлар, фарзандларимизнинг оғир тақдирларини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

Йиғилишда Президентимизнинг нутқи ва унинг тарихий аҳамиятини очиб бериш бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини янада кенгайтириш бўйича келишилиб олди.

Лазиза ШЕРОВА,
Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

МУНОСАБАТ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиясидаги нутқини яна бир бор катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда бугунги кунда ер юзидеги энг долзарб экологик муаммолардан бири — Орол фожияси, унинг оқибатларини бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, қорақалпоқ замини одамларини ниҳоятда мамнун этди. Орол фожияси нақадар жиддий эканлигини дунё ҳамжамияти ўз кўзи билан кўрди. Сув — ҳаёт манбаи. Буни фақат ва фақат бошидан кечирганлар билади, юрак-юрагидан ҳис этади.

ОРОЛ МУАММОСИ — ОЛАМ МУАММОСИ

Уни яхши ниятлар, ҳамжиҳат ҳаракатлар асраб қолади.

Мен Мўйноқ туманидаги «Учсай» овул фуқаролар йиғинида тутилганман. Болалигим ўтган асрнинг 60-йилларида Орол денгизи атирофида ўтди. Тўлқинлари мавж уриб турган денгиз болалигимиз хотираларида абадий қолиб кетган. Мўйноқ аҳли шу денгизнинг балигини еб катта бўлди. Бир сўз билан айтганда, Орол денгизи бизнинг фахримиз эди...

Афсуски, йиллар ўтган сари денгиз сатҳи пасайиб, қурий бошлади. Денгиздаги тўлқинларда кўзини қувонтириб, сузиб юрган кемалар аста-секин тўхтади. Тупроқнинг шўрланиши ва саҳролашни жараёни, сув ресурсларининг ифлосланётганлиги, тоза ичимлик суви тақчиллигининг ошиб бориши оғир экологик вазиятни юзага келтирди. Био хилма-хиллик кескин камайиб, табиий иқлим ўзгариши билан бирга, минтақада жиддий ижтимоий муаммолар юзага келяпти.

Бугун Оролбўйи минтақасида инсон ҳаёт кечирishi анча мушкул бўлиб қолди. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Амуларёдан келиб турган сув денгизга тушмай қўйди, денгиз суви қумларга алмашиди. Ўсимлик ва ҳайвонотлар дунёси камайиб кетди. Болалигимизда тўлқинлари мавж-лашиб турган денгизнинг кўз ўнгимизда қуриб кетиши ҳаммамизни қаттиқ ташвишга солди.

Лекин ҳаёт давом этмоқда. Оролнинг қуриши, бутунлай йўқ бўлиб кетишини кутиш эмас, балки уни сақлаб қолиш учун барча сайё-ҳаракатларни бирлаштириш керак. Орол денгизи қуришининг олдини олиш ва унинг оқибатларини юмшатиш мамлакатимиз экологик сиёсатидаги муҳим масалалардан бирига айланди.

«Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири — Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда — Орол фожияси акс эттирилган харита. Ўйлаيمانки, бунга ортиқча изохга ҳожаат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги сайё-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда. Биз БМТ томонидан Орол фожиясидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз». Бу сўзлар дунёни орол фожиясидан яна бир бор жиддий оғохлантирди, муаммо ечими бўйича амалий тақлиф билдирди. Ишончим комил, Орол денгизи муаммоси келажакда ўз ечимини топади.

Айни пайтда Қорақалпоғистоннинг мураккаб шароитига қарамай, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш каби кечиктириб бўлмайдиган ишларга катта аҳамият қаратилаётган. Масалан, яқинда 101 км масофадан Мўйноқ туман аҳолиси учун тоза ичимлик суви келтирилди. Бу катта тарихий воқеа бўлди.

Шунингдек, узоқ овулардаги ва марказий магистрал йўлларни таъмирлаш ва янгидан қуриш, кўплаб тўқимачилик ва бошқа саноат корхоналарини барпо қилиш чоралари қўриляпти. Оролбўйи аҳолиси турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қорақалпоғистонликларга катта умид бермоқда.

Орол денгизи билан боғлиқ экологик фалокатта халқаро ҳамжамият диққат-эътибори қаратилгани яна кўплаб эзгу ишларга йўл очади, деб ишонаман.

Бийигул ЕРЖАНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқоры
Кенгесидеги ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Савол ва жавоб

Мамлакатимизда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш-ни янада ривожлантириш долзарб вазифалар сифатида белгиланди. Яқин йилларда бу борада қандай ўзгаришлар кутиляпти? Шу ҳақда кенгроқ маълумот берсангиз...

Зулфия ОСТОНОВА,
Богот туманидаги оилавий поликлиника
бош шифокори.

Саттор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Ҳақиқатдан ҳам, сўнгги йилларда юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги тизимини яратишга жиддий эътибор берилляпти. Хусусан, шу йилнинг 20 июнь кўни Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу орқали соҳада замон талабларига жавоб берадиган самарали тизимни шакллантириш, профилактика ва касалликларни барвақт аниқлаш чораларини такомиллаштириш, аҳолига, шу жумладан, минтақаларда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги маълумотларни таъминлаш мақсади қилинган.

Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 январгача аҳолига пулли тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматларида ташқари) соғлиқни сақлаш тизими давлат тиббий ташкилотларини солиқларнинг барча турлари ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан, шунингдек, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича четдан олиб келинадиган янги тиббий ускунаси, бутловчи буюмлар, тиббиёт ускунасига эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материаллари учун божхона тўловлари тўлашдан озод этиш назарда тутилган. Бўшаган маблағлар тиббий ташкилотларини замонавий тиббий, муҳандислик-техника ускунаси билан жиҳозлашга ҳамда унга сервис ва техника хизмат кўрсатишга, эҳтиёт қисмлар, сарфлаш

материаллари, инвентарь ва бошқа тиббий буюмларни харид қилишга йўналтирилади. Бундан ташқари, ушбу маблағларга янги бино ва иншоотлар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини олиб бориш ҳам мумкин.

Қарорда даволаниш учун чет элга жўнаб кетаётган мамлакатимиз фуқароларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, маҳаллий мутахассисларнинг амалий ва назарий кўникмаларини ошириш, хорижий етакчи олимлар, врачлар ва мутахассисларни шартнома асосида республикамизга жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Яна бир аҳамиятли томони, 2018 йил 1 январгача имтиёзли тоифа алоҳида ҳисобга олинган ҳолда, тегишли ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан, шу жумладан, юқори технологияли тиббий ёрдамдан фойдаланишга мўлжал бўлган беморларнинг доимий янгиланадиган ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилади. 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда барча ихтисослаштирилган марказларда, вилоят филиалларида, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида врач қабулига масофадан ёзилиш имконини бераридиган электрон дастур жорий этилади.

Бир сўз билан айтганда, бу борада олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар нафақат республикада, балки вилоятлар ва туманлар даражасида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга кенг йўл очади.

Ўз мустақил ишнинг йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратаятган партиядошларимиз, тadbиркорлар сафи тобора кенгаймоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Савдо-саноат палатаси қандай ёрдам бериши мумкин?

Асрор НУРБОВЕВ
(Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани)

Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Тадбиркорлик соҳасига кириб келаятган юрдошларимизнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашда савдо-саноат палатасининг ўрни бекиёс. Бу ташкилот тадбиркорларга ҳар томонлама ёрдам беради.

Президентимизнинг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бизнеснинг қонуний манфаатлари муҳофазасини, шунингдек, Савдо-саноат палатаси фаолияти тубдан такомиллаштирилишини назарда тутди.

Фармонда Савдо-саноат палатасининг энг муҳим вазифалари, фаолият йўналишлари белгилаб берилган. Биринчидан, палата тадбиркорлик субъектларини ўз фаолиятини йўлга қўйиш даврида қўллаб-қувватлашининг

самарали тизимини яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш қафолатларини кучайтириш, соҳанинг жадал ривожланишига ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг устуворлик роли ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз туман ва шаҳарларида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш билан шуғулланади.

Ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилади ҳамда унинг натижаларини тизимли равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органларга тақдим этади. Қонунчиликнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши устидан жамоат назоратини ўрнатиш, уларнинг фаолияти бўйича мустақил баҳолаш мезонини ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилади.

Шунингдек, давлат, ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимларига нисбатан шикоят аризалари билан мурожаат қилган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторингини амалга ошириш жараёнида Палата аъзолари иштирок этади.

Лазиза ШОМИЛОВА
ёзиб олди.

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси 21 моддадан иборат бўлмоқда.

Фармон ва ижро



СЎЛИМ ХИЁБОНДАГИ «НУРОНИЙЛАР МАСКАНИ»

Самарқанд шахрининг Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи яқинида бунёд этилган «Нуронийлар маскани» мажмуасига ана шундай таъриф беришмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра, юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида фахрийлар вақтинчи мазмуни ўтказиши, ҳордиқ чиқариши, саломатлигини мустахкамлаши учун зарур шароитга эга «Нуронийлар маскани» мажмуалари ташкил этилмоқда.

Самарқанд вилоятидаги 16 туман ва шаҳарда ҳам шу кунларда мазкур масканлар қурилиши ишлари якуниёни, мажмуалар фойдаланишга топширилмоқда.

Самарқанд шахри марказидаги сўлим хиёбонда қарийб 1 миллиард сўм маблағ сарфланиб қурилган ва замонавий жиҳозланган «Нуронийлар маскани»нинг очилиши катта тантанга айланди. Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуроний отахон ва онахонлар, ёшлар иштирок этди.

Хонадонимизнинг файзи бўлган кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш

тишдек эзгу аъёнлар давлатимиз ижтимоий ҳимоя сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу мақсадда мамлакатимизда ёши улуг инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлигини мустахкамлаш ва фаровон турмуши учун барча шароит яратиб берилмоқда. Ўз навбатида, ёшларни юксак маънавиятга инсонлар этиб тарбиялаш, турли ёт гоёлар таъсиридан асраш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишида нуронийларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси, шахсий ибратни қўл келмоқда.

— Мажмуага кириб, тўғриси, кўзимдан ёш чиқиб кетди, — дейди меҳнат фахрийси Дилбар Имомова. — Биз учун нимаки зарур бўлса, барчаси муҳайё этилган. Кутубхона, тиббиёт хонаси, фитобар, фаоллар зали, миллий услубдаги айвон — барчаси баҳри-диллимизни очди. «Нуроний» жамғармаси Самарқанд шахар бўлими ҳам эндиликда ушбу бинода фаолият кўрсатади. Бу эътибор ва ғам-ҳўрликка жавобан биз бу ерни маърифат масканига айлантириб, ёшлар билан суҳбатлар ўтказамиз, уларни эзгу ишларга даъват этамиз.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Т.Жўраев сўзга чиқди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.



Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осие ўйинлари якунига етди. Унда иштирок этган 189 нафар спортчимиз 131 медални қўлга киритди.

Кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 9 олтин ва 1 бронза медали билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Оғир атлетика бўйича терма жамоамиз 2 олтин, 6 кумуш ҳамда 1 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи бўлди. Футзал бўйича терма жамоамиз кумуш медалга сазовор бўлди.

Осие ўйинлари тарихида баскетбол (3x3) бўйича қизлар терма жамоамиз биринчи марта кумуш медал билан тақдирланди. Таиланд терма жамоаси билан бўлган финал учрашувида баскетболчиларимизга бироз омад етишмади — 2 очко фарқи билан имкониятни бой беришди.

Шоҳмат бўйича хотин-қизлар ўртасидаги жамоавий блиц мусобақасида Нодира Нодиржонова ва Ирина Геворгяндан иборат терма жамоамиз бронза медалига сазовор бўлди.



далига сазовор бўлди.

Ўзбекистон делегацияси 24 олтин, 33 кумуш, 74 бронза медалини қўлга киритиб, норасмий умумжамоа ҳисобида бешинчи ўриндан жой олди.

Туркменистон терма жамоаси 89 олтин, 70 кумуш, 56 бронза медал билан биринчи ўринни эгаллади.

Авалги Осие ўйинларида Ўзбекистоннинг энг юқори натижаси 10 ўрин бўлган. От спорти, велоспорт (трек), спорт рақси ҳамда боулинг бўйича спортчиларимиз медал олишолмади.

Кеча Ашхобод шаҳридаги Олимпия стадионида V Осие ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Мусобақада иштирок этган делегациямиз бугун Тошкентга қайтиб келади.

БОШ МУРАББИЙНИ ТАНЛАШ МАСАЛАСИНИ ЭНДИ БИР КИШИ ҲАЛ ҚИЛМАЙДИ

Миллий Олимпия қўмитасида Ўзбекистон Футбол федерацияси раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди

— Ўтган қисқа вақт давомида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди, хусусан, 2017-2022 йиллар учун махсус дастур ишлаб чиқдик, — дейди **ЎФФ президенти Умид Аҳмаджонов**. — Миллий терма жамоага янги бош мураббий тайинланади, бу борада иш олиб борилмоқда. Келишилган ўйинларга, таниш-билишчиликка кескин чек қўйилди. Федерация иши шаффофлаштирилди. Мухлислар ишончини оқлаш учун қўлимиздан келган барча ишни амалга оширамиз.

Олий лига савиясини кўтариш, 2020 йили Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёғи Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш ҳамда

2022 йилги жаҳон чемпионатида иштирок этиш асосий вазифаларимиздан. Болалар футболни ва оммавий футболни ривожлантириш, мухлислар стадионга келиши учун зарур шароитни яратиб бериш каби бир қатор вазифаларимиз ҳам бор.

Агар журналистларнинг футболни ривожлантириш бўйича таклифлари бўлса, ишталган вақтда ЎФФга келиб, муножот қилиши мумкин. Бугунги тадбир шу мақсадда ташкил этилди.

Федерация вице-президенти Шоакрам Исроиллов ЎФФ раҳбарининг биринчи ёрдамчиси бўлади. У ҳозирда Жисмоний тарбия институти ректори лавозимидан кетиб, ЎФФга

ўтди. Маслаҳатчи лавозимини жорий қиламиз. Терма жамоа бош мураббийи борасидаги қарорни энди бир киши қабул қилмайди. Бугун бошли қўмита иш олиб боради.

ЎФФ терма жамоага янги бош мураббийни тайинлаш бўйича хорижий мураббийлар билан музокара олиб бормоқда. Бунда мураббийнинг Ўзбекистон футболни ҳақида маълумотга эга эканлиги ва бошқа жиҳатлар ҳисобга олинади. Келишувга эришилса, бу ҳақда ЎФФ расмий сайтида хабар берилади.

Ҳозир аёллар ва ёшлар футболни бўйича жаҳон чемпионати ҳамда ФИФА конгресси мезбонлик қилиш учун ФИФАга муножот қилинган.

Ўзбекистон Профессионал футбол лигасининг молиявий ҳолатини ўрганиб чиқиш бошланган. Унинг тузилмасини кўриб чиқганимиздан сўнг, ҳодимларимизни 10-15 кунга «Барселона» ва «Реал Мадрид» каби бир қатор кучли клубларда иш ўрганишга ҳамда тажриба ошириш учун юборамиз. ПФЛни ва клубларимизни кучайтирсак, терма жамоамиз ҳам кучаймайди.

Тадбирда Ўзбекистон футболни ривожлантиришда ЎФФ ва ОАВ вакиллари ҳамкорлигини мустахкамлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эълон ва реклама

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

- Эрон-афғон филологияси кафедраси: профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
- Туркий тиллар кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, профессор — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
- Корейс филологияси кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
- Жанубий Осие тиллари кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
- Мумтоз филология кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, профессор — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
- Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
- Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;
- Хитой тили ва адабиёти кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
- Хитой сиёсати, тарихи ва иқтисодиёти кафедраси: доцент — 1 ўрин;
- Инглиз тили кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
- Шарқ тилларини ўқитиш ва педагогика кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
- Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин;
- Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси: доцент — 1 ўрин;
- Марказий Осие халқлари тарихи ва манбашунослиги кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи-стажёр — 1 ўрин;
- Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;

- 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
- Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
- МДХ ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин;
- Осие — Тинч океан минтақаси ва Жанубий Осие мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин;
- Математика ва ахборот технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин;
- Иқтисодиёт назарияси кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, ўқитувчи 1 ўрин;
- Гарбий Европа тиллари кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин;
- Хужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ХУЖЖАТЛАР:

- Ректор номига ариза;
 - Шахсий варақа (рангли фотосурат билан);
 - Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвон ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари;
 - Белгиланган талабларга кўра, эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва информатсион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида);
 - Тасдиқланган илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.
- Манзил:**
100060, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 25-уй.
Телефонлар: (0371) 233-44-36; 233-02-38.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг 2017 йил 10 июлдаги 426-сонли буйруғига асосан «Ўзбекистон ёш истеъодлари» камер оркестри

«Ўзбекистон Миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари» бирлашмалари таркибига киритилганлигини маълум қилади.

Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 (бир) ой мuddат ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 1-уй.
Тел: (+99893) 584-17-88.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokrantas.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Луқма

Мактабда ўқиб юрганимизда Қизлархон опа деган математика фани ўқитувчиси бўларди. У ҳар гал дарс ўтганида: «Сизлар математика, геометрия фанига асос солган улуг алломаларнинг авлодисизлар, уларга муносиб бўлишга ҳаракат қилинлар», — дерди. Дарсни қизиқарли ўтарди. Биз ўқувчилар қарра жадвалини яхши билардик, мисол ва масалаларни бирпасда ечиб ташлардик...

СОМСАНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Энди замон ўзгарди, техника кундан-кунга тараққий этиб бораёпти. Бирор нарсани ҳисобламоқчи бўлсак, қарра жадвалининг ҳолати йўқ, калькулятор уяли телефонда бор. Шунча техника қўлимизда бўлатуриб, арзимаган нарсага бош қотиришининг нима кераги бор, дейдиган ёшлар кўп.

Аслида бу арзимаган гапдек туюлса-да, ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Яқинда тушлик пайтида ҳамкасблар билан сомса олиш учун чойхонага кирдик. Бир хўранда сомсапаз билан ҳисоб-китоб қилаётган экан. Беихтиёр уларнинг суҳбатига ғувоҳ бўлдик.

— Нималар олган эдингиз? — сўради сомсапаз ишини тўхтатмасдан.

— Тўртта картошкали сомса ва битта чой, — деди мижоз. Сомсапаз тепага қараб ҳисоблай кетди:

— Тўрт қарра саккиз қирқ саккиз, битта чой билан беш минг саккиз юз бўлади, — деди. Мижоз ошпаз айтган пулни тўлади. Мен шу ерда чидаб туролмай ўртага қўшилдим:

— Адашдингиз, 3700 сўм бўлади, — дедим. Ўз ҳисобида «адашган» сомсапаз мулзам бўлиб, узр сўради, хўранда эса: «Ҳечқиси йўқ, бўлиб туради», — дея бизга раҳмат айтиб, чиқиб кетди.

Тўғри, биз ишонувчан халқмиз. Лекин сомсапаз кунига неча марта «адашар» экан? Ҳар қандай ҳисоб-китобни ўзимиз текшириб кўришимиз керак эмасми? «Ҳисобидан адашган ҳамёнидан айриллар», деб бежиз айтишмаган-ку! Энг қизиғи, сотувчи ҳеч қачон ўз зиёнига адашмайди...

Ана шуларни кўриб, математика фанидан дарс берган ўқитувчимиз Қизлархон опанинг «Бу фан ҳали ҳаётингизда жуда асқотад», — деган ўғитини эсладим.

Мана шу арзимагандек кўринган камчиликларга, хатоларга аҳамиятлроқ бўлмасак, вақтида олдини олмасак, битта хато эртага иккинчисини келтириб чиқаради. Ҳисоб-китобли бўлиш, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билиш кундалик ҳаётда бизни хатолардан асрайди. Лоқайдлик, танбаллик турли муаммоларга дуч қилади.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУГҲОН ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти **+18/+11**

Бухоро ва Навоий вилоятлари **+20/+15**

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари **+20/+13**

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари **+30/+15**

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари **+23/+15**

Тошкент шаҳри **+20/+12**

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938

9118

naxxada

bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21:52

Topshirilgan vaqti — 00:25

Navbatchi:

Toshkent XUDYOQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

4772010743006

1 2 4 5 6